



СУКУНАТ БАҒРИДАГИ ТУҒЁН

НАЗАРОВ ДИЛМУРОД

Ўқитувчи, Фаргона вилояти Сўх академик лицейи

Аннотация. Мақолада Назар Эшонкулнинг детал танлаш ва услуб яратишдаги ўзига хослиги “Ялпиз ҳиди” ҳикояси мисолида уни япон ёзувчиси Ясунари Кавабатанинг “Бамбук садоси” асари билан қиёсан тадқиқ қилиш орқали очиб беришга ҳаракат қилинган. Ҳикояда кўтарилган табиатни асраш мавзусининг глобаллиги таъкидланган.

Таянч сўз ва иборалар: ҳикоя, мавзу, ички воқеа ва муаммо, инсоннинг табиат наздидаги масъулияти, газалнинг бегона байти, вафо, руҳий қудрат, инсон маънавияти ва ички олами, гўзаллик, конфликт, рамз ва рамзлаштириш, глобал ижтимоий-маънавий муаммо, умр мазмуни, кўнгил саодати, меҳр, асар қаҳрамони, кўркем асар, шахс ва жамият муносабати.

Аннотация. В статье сделана попытка раскрыть своеобразие творчества Назара Эшонкула в выборе деталей и создании особого метода на основе сравнения рассказа «Запах мяты» и произведения японского писателя Ясунари Кавабаты «Голос бамбука». В статье отмечается глобальность затронутой в рассказе темы охраны природы.

Опорные слова и выражения: рассказ, тема, внутреннее событие и проблема, ответственность человека перед природой, чужеродный бейт газели, верность, духовная мощь, духовность и внутренний мир человека, красота, конфликт, символ и использование языка символов, глобальная социально-нравственная природа, смысл жизни, счастье души, любовь, герой произведения, произведение, взаимоотношения личности и общества.

Abstract: This article is dedicated to analyse the peculiarity of detail choosing and creating a special work method of Nazar Ishankul on the base of comparing his story “Yalpiz hidi” (“The smell of mint”) with a story “Bambuk sadosi” (“The sound of bamboo”) by Japanese writer Yasunary Kavabata. Moreover, there is mentioned about the actuality of theme of protection of nature in the article.

Keywords and expressions: story, theme, inner event and problem, responsibility for nature, foreign beyt of ghazel, fidelity, spiritual power, spirituality and man’s inner world, beauty, conflict, symbol and symbolizing, global social and moral nature, meaning of life, happiness of soul, love, hero of a work, work, mutual relations between a man and society.

Анъанавий насримизда шўро даврида ито-атдаги барча халқлар адабиётида бўлгани каби воқеалар тизимидаги конфликт тушунчаси бирламчи ўринга эга эди. Замон ўзгариб, адабиётга муносабатнинг аста-секин софлашаётгани, мумтоз ва жаҳон адабиётининг илғор тажрибаларидан фойдаланишга бўлган уринишнинг кучайганлиги, ўзбек насрчилигида янги тажрибалар қилинаётганлиги, янги ва яхши асарлар дунёга келаётгани натижасида бадиий асарга бўлган муносабат ҳам ўзгариб бормокда. “Истиқлол адабиёти чинакамига хилма-хил адабиётдир. Унда турли-туман ижодий тажрибалар қилиш, турли “изм”лар изидан бора олиш имконияти мавжуд”¹. Эндиликда ижтимоий

конфликтни асос қилиб олмаган воқеликка эга асар ҳам бу жиҳати билан эмас, бадиият талабига кўра текширилмокда, баҳоланмокда. Жаҳон адабиёти таъсирида табиат тасвиридан иборат, бевосита ижтимоий зиддиятни ўзида акс эттирмаган асарлар ҳам пайдо бўлди. Атоқли япон ёзувчиси Ясунари Кавабатанинг “Бамбук садоси” ҳикоясига ҳар жиҳатдан монанд Назар Эшонкулнинг “Ялпиз ҳиди” ҳикояси фикримизга мисол бўла олади.

Ҳар иккала асарда ҳам ташқи жиҳатдан олганда атрофдагилар билан зиддият кўзга ташланмайди. Ҳикояларнинг мавзуси ҳам умумий: инсон ва табиат муносабати. Бирок, бу асарларга қараб, шунга амин бўлиш мумкинки, ҳаракатдаги ижтимоий муаммосиз, воқеликсиз ҳам бадиий асар, айти пайтда,

¹ Қозоқбой Йўлдош. Ёниқ сўз. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. 22–23-бетлар.

бадий муаммо яралавара экан. “Бамбук садоси” қахрамони Хисо Миякава ҳам, “Ялпиз хиди” асосий тасвирланувчиси Самандар ҳам руҳият кишиларининг тимсоллари; уларнинг иккисида табиатга, ҳаётга, ўз қалбларига муносабатда юксалаётган ва дунёқарашлари теранлашаётган инсонлардир. Ана шу жараён асарларда воқелик тизимини, шунингдек, асар муаммосини юзага келтиради. Чунки бу асарларда ички ўсиш ва ўзгариш бирламчи аҳамиятга эга. Ҳаёт эса фақат ташқи бўлмай, ички ҳаётки бор, демак, ички воқеалар ҳам, муаммолар ҳам бўлади.

“Ҳикоя инсон ва унинг кечинмалари табиат ҳамда олам билан уйғунлашгандагина мукамал шакл, мазмун кашф этишига бағишланган. Инсон табиатдан, коинотдан айро эмас, у кўз олдидagi улкан оламнинг бир зарраси, унинг ажралмас бир бўлаги. Фақат одам ўзининг ижтимоий муносабатлар шакллантириб қўйган қиёфасини еча ва ўзини табиат ихтиёрига топширса, ана ўшанда асл гўзалликни ва завқни кўра олади, ана шунда бани оламнинг заррасига айлана олади”¹. “Бамбук садоси”га нисбатан билдирилган ушбу фикрлар, менингча, “Ялпиз хиди”га ҳам бирдай тегишли бўла олади, ҳатто, айтиш мумкинки, “оламнинг заррасига айлана олиш” муаммоси Назар Эшонкул ҳикоясига кўпроқ дахлдордир. Демак, инсон табиат билан маънан уйғунлашсагина ҳаёт завқига – том маънодаги бахтга етади. Чин бахт эса ҳаётни сева билиш тушунчаси билан жуда боғлиқ. Бахтнинг қачон содир бўлишини биров билмайди, лекин бу бахтнинг келиши тасодиф ҳукмида дегани эмас.

“Мана, энди лочин рўпарасида турибди! Ажабо, уни қайси шамол учирди? У тасодифан – манзилдан адашиб, нафасини ростлаш учун қарагайга келиб қўндимикин? Ким билсин, балки бирор мақсади бордир?! Хуллас, уни худди шу қарагай тепасига қўнишига нима

*мажбур этди? Миякава буни тасодифга йўя олмади. Йўқ, худди шундай бўлиши шарт эди. Ҳатто унга лочин бирон воқеадан ўзини огоҳ этгани учиб келгандек туюлди”*².

Қахрамон руҳий ҳолатини унингдек илғаш учун бутун қалб, қалб ичра пок севги керак. Миякава ана шундай севги эгаси. Бироқ Кавабата асар орқали фақат Миякаванинг самимий севгисини изҳор қилиш билан қаноатланмоқчи эмас. У шундай соф севгининг ҳам фожиасини билвосита кўрсатиб қўймоқда: Миякава наздида табиатдаги ҳар бир нарса гўё унинг учун хизмат қилади: лочин ҳам, қарагай ҳам. Бундай позиция инсоннинг табиат наздидаги масъулиятини чеклаб қўяди. Шунинг учун қарагайнинг қуриши аввалда ҳар қанча Миякаванинг юрак-бағрини эзмасин, дарахтни қанчалар бу “ўлим”дан асрашга уринтирмасин, охир-оқибат ундан қўнгли совишига ва уни унутиб юборишига олиб келади. Бу ҳолатда Навоий ғазалларидан биридаги фикр тасдиқ топади:

*Топмасанг давр аҳлидин меҳру вафо, айб
эткаким,
Бутмамиш бу мева даврон богининг
ашижорида*³.

Бу байт мазмунини фақат тушкун кайфият ва одамларга бўлган ишончнинг вақтинчалик йўқолиши ҳолати тарзида талқин қилиш бир ёқламалик бўлади. Чунки абадиятга дохил бўлувчи ҳар бир санъат намунасида шу сифатга арзирли мазмуни ҳам бўлиши керак. Вафо дарахтининг меваси бутмаганлиги, бу – инсон табиатига хос, унинг туб фожиасини кўрсатувчи, айни чоғда, уни тушуниш мумкинлигига йўл очувчи таърифдир. Модомики, инсон табиатан вафосиз экан, буни таъна қабилида ёки фақат камчилик тарзидагина тушунишнинг ҳождати йўқ, балки унинг воқеликка, жумладан, та-

¹ Назар Эшонкул. МЕНдан “МЕН”гача. – Т., 2014. 219-б.

² <http://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/yasunari-kavabata-bambuk-sasi-shaftoli-guli-xurshid-davron>.

³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами: Фаройиб ус-сиғар. – Т., 1988. 45-б.



биат ва ундаги ҳодисаларга муносабатининг тарзи сифатида қабул қилса ҳам бўлади. Менимча, “Бамбук садоси” асарида кўтарилган муаммонинг асоси ана шунда кўринади.

“Бамбук садоси”да етмиш бир ёшли Миякаванинг қалбда – ботинда шаклланиб, камолга етгунига қадар умрининг асосий қисми сарф бўлади. Унинг болаликда ўрмонда санқиб юриши, қарағай ўсган тепалик яқинидаги уйга кўчиб келгунча ҳам ундан баҳра олиб юрганлари, ниҳоят, “қарағай юрагининг азиз парчасига айланганини сеза бошла”гани – буларнинг бари кўнглининг ҳозирги комил ҳолатига етишида муҳим поғоналар бўлиб хизмат қилади. Қарағай ҳаётида ягона муҳаббат тимсоли бўлиб пайдо бўлмаган эди, у ўз вужудида бамбук садосини, шафтоли гулини ҳис этганидек шафтоли қисми бўлган “латиф гул юрагининг қатқатларида кулф уриб” ўсарди. Севгида маълум бир поғонага етиш босқичи, яъни табиат билан чин боғланиш жараёни асарда шундай хулосаланган: *“Инсон ҳаётида бундай ҳодисалар тез-тез рўй бериб туради, аммо бу ҳиссиёт Хисао Миякава қалбини асир этганида, у ошини ошаб, ёшини яшаб қўйган эди”*¹.

Шундай бўлса ҳам, яъни Миякава ўз умри давомида руҳий қудрати нуктаи назаридан табиат билан боғланишнинг энг охирги палласига етганида ҳам наздида умр мазмуни, севгининг моҳияти мавҳумлигича қолади:

“Лочин Миякава учун қандай хабар келтирди? Мабодо, унинг бу ерда пайдо бўлиши хушхабар, хайрли толедан дарак берар экан, у ҳолда Миякавага марҳамат этилган саодат, қувонч нималардан иборат? Лочинни кўришдан иборат эмасмикин?”

Албатта, бу саволларга “Миякаванинг қувончи – бахти лочинни кўришдан иборат” деб ижобий жавоб бериш билан унинг ҳаётга келиб эришган кўнгил муродини таваккал қилиш ҳам мумкин. Бироқ бу жавоби ўзида бўлган бахт ва умр мазмуни ҳақидаги савол-

лар асар мантиғи ва ёзувчининг ижодий мақсадидан келиб чиқади. Миякаванинг тутган ўрни эса “лочин менинг қалбимда абдий қолди дея тахмин қилиш”дангина иборат бўлиб қолаверади. Чунки барибир ҳам Миякава ўз теграсидаги ҳар бир киши каби табиатнинг унча фаол бўлмаган, у билан восиллик ҳосил қилмаган қисмидир. Бундай ҳолатда инсон ўз келажагида нималар содир бўлишини башорат қила олмайди: Миякава ҳам қарағай ўрнини лочин олганидай унинг учун лочин охирги маҳбуби бўлиб қолиши ҳақида бир нарсая дея олмайди.

Гап “одам ўзининг ижтимоий муносабатлар шакллантириб қўйган қиёфасини ечиши” ва “ўзини табиат ихтиёрига топшириш”и ҳақида борар экан, ҳикоя қаҳрамони Миякава буни қанчалик амалга оширгани ва ўз ҳаётида қай даражада кўнгил завқини топа олганлиги ўқувчини ўйлантиради. Бу саволга ҳикоянинг ташки воқеалиги ривожини кўриб туриб, балки ижобий жавоб бериш ҳам мумкиндир. Бироқ, менимча, умрнинг миқдори бўлганидек, кўнгил саодатига эришишнинг ҳам поғоналари бор: кимдир кўпроқ даражада табиатга ёвуқлашади, бошқа биров тамоман унинг бир қисмига айлана олади. Миякава қарағайни ҳар қанча севмасин, у билан бирлаша олмайди, аксинча, узоқ севгининг якунида манзурини ўзгартирди. Тўғри, охирги кўнгил қўйгани лочин ҳам табиатнинг маҳсули бўлиб, у ҳам қаҳрамон кўнглини табиат бағрига элтади. Бироқ Миякаванинг қарағай билан сўнгги муносабати қуйидагича якун топади:

*“Энди Миякава қуриган қарағай ҳақида ҳам, ҳатто уни кесиб ташламоқчи бўлганлиги ҳақида ҳам эсламасди. Қишда дарахтнинг жонсиз шохларини қор қоплади. Шу билан гўё дарахтга янги қиёфа бахш этди. Қор остида қолган шохлар муздек эди-ю, бироқ ора-чира улардан ҳаётбахш ҳовур таралаётганга ўхшарди...”*²

¹ http://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/yasunari-kavabata-bambuk-sasi-shaftoli-guli-xurshid-davron_

² Ўша манба.

Миякаванинг дарахтни бошқа эсламаганию, қор ёгганлиги бежизга ёнма-ён тасвирланмаган. Бу билан ёзувчи “Инсон қалби беролмаган меҳрни табиатнинг ўзи беради” демоқчидек. Ҳақиқатан, бу ерда гўзаллик рамзи бўлган қорнинг қарағайга қайтадан ҳаёт бахш этаётганлиги кўзга ташланади. Инсон ташқи муҳитни аслида эмас, балки маънавиятда, ўз ички оламида ўзгартириши мумкин. Бунини қалбидаги ишонч ва меҳр орқалигина амалга оширади. Асар қаҳрамони Миякава эса бу ишни охиригача уддалай олмади.

Мигел Сервантеснинг таъкидлашича, гўзаллик бутун оламни қалбга олиб кирадиган куч ва истёдодга эга¹. Миякаванинг асарда тутган позициясига тескари муносабат билан намоён бўлишининг боиси қарағайни охиригача гўзал кўра олмаганида эди. Зеро, одам учун тирикликкина гўзалдир. Ўлим ҳолатини эса доимо совуқ ёки хунук тарзида тушуниш чегарасиз муҳаббат нуқтаи назаридан тўғри эмас. Бу ерда одам деганда фақат биологик мавжудот тушунилмоқда. Чин инсон эса ана шу биологик мавжудотликдан маънавий даражага кўтарила олмоғи керак. Ҳикояда табиатнинг бир қисми бўлишликни табиат белгилангандай эмас, ўзи истагандай амалга ошираётган қаҳрамоннинг кемтик ўрнини табиатнинг ўзи тўлдиради. Бу ёндашув икки томонлама бўлиб, фақат инсон+дарахт муносабатини эмас, балки инсон–лочин алоқадорлигини ҳам ўз ичига олади. Инсон қарағайдан бегона бўлгач, табиат унга бўлган меҳрини лочин ва қор орқали, инсон қарағайни унутиб, мақсад йўлида тўхтаб қолгач, уни йўлга чорлаш вазифасини лочин орқали амалга оширади.

Юқоридагилардан ҳақиқий кўркем асарда ҳам қалб товланишлари, ҳам инсоний фазилят ва нуқсонлар билвосита, рамзлаштирилган ҳаёт манзараси ҳамда воқелиги жараёнида яхлит ифода топиши мисолини кўриш мумкин. Бундай кўркемлик ифодасини Назар Эшонқулнинг “Ялпиз ҳиди” ҳикоясида ҳам мушоҳада этса бўлади. Ҳикояда ҳолатнинг ўзида конфликт акс этган ўрин-

лардан бири боғнинг қаровсизлигидир. Асар воқелиги Самандарнинг боши ва қалбидан кечирганлари эканлигини ҳисобга олсак, ҳар бир манзара ва детални унинг нигоҳи билан қараб, унинг кайфиятидан келиб чиқиб таҳлил қилишимиз тўғри йўл бўла олиши аниқлашилади. Қаровсизлик ҳолати Самандар учун кўнглига шайқал чақиради. Чунки, унингча, табиат ҳам худди инсондек эъзозланишга, кадр топишга ҳақли. Ҳикояда боғбон билан боғлиқ Самандарнинг хотиралари бежиз келтирилмаган. Боғбон – гарчи боғнинг боғ бўлишида меҳнати сингган бўлса-да, пировардда боғни ташлаб кетган ва бу билан ўша жамиятнинг бир вакили сифатида кўпчилиikka хос иллатни аён этади. Самандар учун инсонни ташлаб кетиш ва боғни қаровсиз қолдириш – бир нарса, у бунини тасаввурига сиғдира олмайди. Шу нуқтаи назардан қаралса, боғдаги ҳар бир қуриб-қовжираш, ҳар қандай чиркинликда одамларнинг меҳрсизлиги оқибатлари кўзга ташланади.

Тинч турмуш ва оила эгаси Самандар фақатгина маънавият кишиси бўлмай, яна алоҳида фазилятга соҳиб бўлган ўта нозик кўнгли эгасидир. Бу нозиклик асарда тушунарли ва таъсирли тасвирланиши қаҳрамоннинг ҳаётда бошқа одамлар бошдан кечириши мумкин эмасдек туюлгучи муаммоларда дуч келишига ўқувчини ишонтиради, бунини табиий қабул қилишини осонлаштиради. Хотини билан орасида бўлган сўзсиз муаммога эътибор қаратамиз:

“Эрталаб у ишга отланаётганида даҳлизда иккита хазон ётганини кўриб қолди ва шунда куз ҳатто уйга ҳам бостириб кирганидан хурсанд бўлиб кетди. Хотини эса унинг кечаси деразани очиб қолдирганидан норози бўлиб, хазонларни сутуриб олди-да, ахлат челаikka ташлаб юборди, сўнг худди юқумли касалликнинг жойини тозалаётгандек даҳлизни яхшилаб артди. Самандар шунда бу хазонлар боғдан менинг уйимга мадад излаб учиб келган деган ўйга борди”².

¹ Тафаккур гулшани. – Т.: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. 61-б.

² Назар Эшонқул. Ялпиз ҳиди. – Т.: Шарқ НМАК, 2006. 270-б.



Самандар табиат билан шу даражада иноқлашган эдики, ҳатто сарғайган хазонда ҳам энди хунуклик туймас, балки даҳлизга тушиб қолган хазон ҳам унга энди нимадир деётгандай кўринарди. Инсонлар наздида энг арзимас нарса саналмиш бир ашёга бунчалар кўнгилчанлик билан нигоҳ соладиган одамнинг ижтимоий меъёрларда тўғри ва беайб саналувчи одамлар билан-да муносабат қила олиши қийин бир муаммога айланади ва бу – табиий. Ҳақиқатан, хотинининг хазонга беписанд муомаласи, ундан сўнг қуриган шохчани узиб ташлаб, “қора чирик пўстлоғи”ни “қўли кесиб олинган енгдай осил”тириб қўйганини беадад ваҳшийликдай қабул қилади ва “хотини билан ўзи орасида катта жар пайдо бўлаётгани”га ақли етади. Ижодкор Самандар руҳияти орқали табиат ва ундаги ашёларнинг ҳуқуқини, аслида ўрни қаерда бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Биз – инсонлар табиатни шахсий мулк қабилида қабул қилиб ўрганганлигимиз учун унга нисбатан самандарона муносабат қилишни тасаввур қилолмаймиз, тасаввур қилганимизда ҳам бу бизга эриш туюлади. Бундай қараш эса бизнинг фожиамиз. Асар орқали ёзувчи шундайин катта, ҳатто глобал ижтимоий-маънавий муаммога ўқувчи эътиборини тортади.

Ёзувчининг асар воқелигини ривожлантиришдаги тутган йўли ҳар томонлама муваффақиятли ва табиий ўсиш маромига яраша. Агар Самандар ва хотини ўртасидаги зиддият кучайганида, ҳатто сўз шаклига эврилганида ҳам ҳикояда кўтарилган масалага нисбатан номувофиқлик юзага келган бўларди. Ижодкор хотини юзини ҳам Самандар олами сари буради. Натижада у ҳам бора-бора Самандар биомайдони таъсирига тушибми, руҳан комиллаша бориб, асар сўнгида уни тўлиқ тушунади, ҳатто Самандарнинг гулга айлангандаги ҳолати унинг нигоҳи орқали тасвирланади. Самандарга хотини ва боласининг ўхшаши тасвирига табиатнинг ўз қонунияти асос қилингандек: табиат ўзидаги ҳар бир жисмга теграсидаги ўзга жисмлар билан мослашиш имкониятини ато этган. Модомики, Самандар табиат билан қовушиб, унинг қисмига айланар экан, унинг оила аъзолари ҳам олий даражагача бир-бирига

мувофиқлашиши, айтиш мумкинки, бадий асар мантиғи талабидир. Бинобарин, Румийнинг “олами кубро” – коинот ва “олами асгар”¹ – инсон қалби муносабати ҳақидаги қарашлари тасдиғини “Ялпиз хиди”да табиат ва шахс, шахс ва оила, демакки, шахс ва жамият муносабатлари миқёсида мушоҳада эта оламиз.

Юқоридагилардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Назар Эшонқулнинг “Ялпиз хиди”, Ясунари Кавабатанинг “Бамбук садоси” асарлари айна бир масалага, яъни инсон ва табиат муносабати муаммосига бағишланган бўлиб, ҳикояларнинг ҳар иккисида ҳам шахс ва жамият муносабатидан иборат ижтимоий конфликт кўзга ташланмайди. Бу элемент тағматнга сингдирилган бўлиб, тасвирланган ҳаёт манзараси ортида ёки ичида кечади. Уларни топиш ва таҳлил қилиш эса асарнинг ифода имкониятларини кашф этишга омил бўлади.

2. Қаҳрамонлар Самандар ҳам, Миякава ҳам табиатга муносабатларининг теранлаша бориши ҳисобига ўз қалбларини чуқурроқ англаётган инсонлар тимсоли бўлса-да, Назар Эшонқул қаҳрамони Шарқ тасаввуфи ғояларини ўзида акс эттирганлиги учун нисбатан комил қилиб ишланган образдир.

3. Ҳар икки ҳикояда ҳам инсоннинг табиатдан, коинотдан айро бўлмай, аксинча, унинг бир зарраси эканлиги назарда тутилган ва бу муносабат асоси сифатида табиатга бўлган меҳр таъкидланган.

4. Назар Эшонқул Кавабатанинг “инсоннинг табиатга муносабати” деган қарашини “инсоннинг табиат олдидаги масъулияти” дея янгилагандек бўлади. Агар Кавабата қаҳрамони Миякава табиат ва ундаги ашёларни ўзи учун, демакки, инсон учун дея қабул қилса, Назар Эшонқулнинг “Самандар”и табиатни асраб-авайлаш, ҳатто унга паноҳ бўлиш йўлини тутади.

5. Миякавани борликдаги хунуклик кўнгил манзури бўлмиш қарағайдан узоқлаштирган бўлса, Самандар қуриган шохчадай

¹ Қаранг: Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. 1-жилд. – Т.: Янги аср авлоди, 2007. 153-б.



буюмга ҳам алоҳида эътибор билан муносабатда бўлади. Бу – Самандарнинг Миякавадан фарқли ўлароқ, ўзини табиат билан, ундаги ҳар бир узв билан бир ва яхлит деб ҳис қилиш даражасига етганлигини билдиради. Назар Эшонкул ушбу детал орқали Кавабата қахрамони эътибордан соқит қилган “Ҳақиқий инсон табиатдаги гўзаллик қатори ундаги хунукликни ҳам бирдай қабул қила олади” ғоясини илгари суради.

6. Агар Кавабата инсоннинг “табиат устидан эгалик ҳуқуқи” дейилмиш масалани бирор муносабат билдирмай тасвирлаган бўлса, буни Назар Эшонкул глобал муаммо даражасида тадқиқ қилади.

7. Румийнинг коинот ва олам уйғунлиги концепцияси таъсирида “Ялпиз хиди”да инсон характери, унинг ўсиши, ижтимоий таъсири каби муаммолар Самандар ва хотини, Самандар ва қизи муносабатлари орқали кўрсатиб берилган.



АРУЗГА ДОИР АСАРЛАРДА МУТАДОРИК БАҲРИНИНГ БЕРИЛИШИ

ХУДЖАНОВА ДИЛДОРА

Ўқитувчи, ТошДШИ

Аннотация. Ушбу мақола аруз баҳрларининг ўн олтинчи мутадорик баҳрига бағишланган бўлиб, унда мазкур баҳрнинг арузга доир асарларда турли хил номлар билан келиши, зиҳофларга учраши ва ушбу баҳрга берилган мисолларни таҳлили келтирилган.

Таянч сўз ва иборалар: аруз илми, баҳр, мутадорик, рақд ал-ҳайл, фа: ’илун, мунфарида, муттафиқа, “Ал-Қустос”, мутақориб, муҳдас, солим, мақтуъ, махбун, “Аруд ал-Вурқати”.

Аннотация. Эта статья посвящена размеру мутадорик, который является шестнадцатым размером арабского аруза. В ней рассматривается употребление разных названий вышеуказанного размера в книгах средневековых ученых, а также приводится анализ примеров.

Опорные слова и выражения: аруз, стопы, размер, мутадарик, рақд аль-хайл, Аль-Қустос, фа: ’илун, мунфарида, муттафиқа, мутақариб, муҳдас, салим, мактуъ, махбун, «Аруд аль-Вуркати».

Abstract. This article is devoted to the sixteenth meter of Arabic arud meters “Al-Mutadārik”. It considers the using different names of the meter in the works about arud and its anomalies and flaws in poems which syllables inconsistent with the meter. Also, the examples for the meter mutadarik are analyzed.

Keywords and expressions: Aruz prosody, modalities of aruz, the Aruz meter system, mutadarik, al-Kustos, stops, Mutaqārib, munfarida, muttafika, verse, “Arud al-Vurkaty” rhymed poetry, scansion.

Аруз – маълум шеърӣй система бўлиб, шеърдаги ритм ва унинг аниқлаш усуллари ҳақидаги илм. Аруз илми бошқа араб илмларидан ривожланиш жиҳатидан кескин фарқ қилади. Наҳв, сарф, балоғат ва луғат илмлари бир бутунлик, мукамаллик даражасига етишда йиллар, асрлар давомида

ривожланиб борган. Бироқ, аруз илми эса, Халил ибн Аҳмад ихтиро қилган вақтнинг ўзида мукамал илм даражасида бўлган. Халил ибн Аҳмаддан кейин ҳеч бир арузшунос у ишлаб чиққан аруз илми назариясини инкор этмаган ва ўз тадқиқотларида асос қилиб олиб, айрим қўшимчалар киритган.